



ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ДЕКЛАРАЦИЯЛАНАДИГАН ДАРОМАДЛАРИ ВА УЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a26](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a26)

Бозоров Акмал Амонович -

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги
университети Иқтисодий фанлар кафедраси
профессори, доцент (PhD)

Аннотация. Мақолада декларация тушунчаси ва унинг амалиётда қўлланилиш жиҳатлари, жисмоний шахсларнинг декларация асосида солиқ солинадиган даромадлари таркиби, жисмоний шахсларнинг даромадларига солиқ солишда декларация усулининг қўлланилиши бу борада иқтисодчи олимларнинг тадқиқотлари ҳамда статистик маълумотлар таҳлили амалга оширилган ва тегишли хулосалар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: солиқ, даромадлар, жисмоний шахс, декларация, аҳоли даромадлари, солиқ чегирмаси.

ДЕКЛАРИРОВАНИЕ ДОХОДОВ ФИЗИЧЕСКИХ ЛИЦ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИИ ИХ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ

Бозоров Акмал Амонович -

профессор кафедры “Экономические науки”
Университета общественной безопасности
Республики Узбекистан, доцент (PhD)

Аннотация. В статье дано понятие декларации и её применению на практике, приведена структура доходов физических лиц, подлежащая налогообложению на основе декларирования, рассмотрены способы налогообложения доходов физических лиц путём декларирования, проанализированы исследования ученых-экономистов и статистические данные в указанной сфере и разработаны соответствующие предложения.

Ключевые слова: налог, доходы, физическое лицо, декларация, доходы населения, налоговые вычеты.

DECLARATION OF INCOME OF INDIVIDUALS AND IMPROVEMENT OF THE METHODOLOGY OF THEIR TAXATION

Bozorov Akmal Amonovich -

Professor of the Department “Economic Sciences”
of the University of Public Security of the
Republic of Uzbekistan, docent (PhD)

Abstract. This article gives the concept of a declaration and its application in practice, describes the structure of income of individuals subject to taxation on the basis of the declaration, considers methods of taxing the income of individuals by declaring, analyzes the studies of regarding scientific economists and statistical data, and develops relevant proposals.

Keywords: tax, income, individual, declaration, population income, tax deductions.

Кириш. Маълумки, ҳар бир мамлакатда фуқароларнинг даромади қанчалик юқори бўлса, ўша мамлакатда ижтимоий-иқтисодий юксалишга эришилади.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев томонидан қабул қилинган фармонлардан [1] келиб чиқиб, ҳаётга татбиқ этилаётган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига асосан “Мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида 2 баробар қисқартириш” масаласига алоҳида эътибор қаратилганлиги бугунги кундаги долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади. Зеро мамлакатимиз Президенти “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” [2] деган ғояни илгари сургани бежиз эмас.

Маълумки, 2020 йилдан эътиборан янги таҳрирдаги Солиқ кодекси амалиётга жорий этилди. Янги Солиқ кодексига мувофиқ, кўплаб янгилıklar амалиётга жорий этилди. Янги солиқ сиёсати доирасида иш ҳақиға солиқ юки 1,5 баробар камайтирилди. Натигада расмий секторда ишлаётганлар сони йил давомида 500 мингтаға кўпайди [3].

Дунё амалиётида декларация асосида жисмоний шахслар даромадларига солиқ солиш, нафақат давлат бюджетига солиқ ундиришни кўзда тутади, балки шу билан бирға солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш орқали солиқ имтиёзларидан адолатли фойдаланиш имкониятларини ҳам яратади. Шундан келиб чиқиб, жаҳоннинг иқтисодий тараққий этган мамлакатларида даромадларға декларация асосида солиқ солиш усулидан бир неча йиллар

мобайнида кенг фойдаланиб келинмоқда. Хусусан, АҚШда олган даромадлари бўйича декларация тақдим этган фуқаролар сони 154,4 миллион нафар (жами аҳоли сонига нисбатан 47 фоиз)ни, Буюк Британияда 45 фоиз, Германияда 28,6 фоиз, Францияда 56,9 фоиз, Японияда 32,5 фоизни ташкил этган [4].

Ҳозирги глобаллашув шароитида ривожланган давлатларда жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадларини солиққа тортиш механизмини соддалаштириш, даромад солиғи ставкасини пасайтириш орқали аҳолининг реал даромадини ошириш, даромадлар бўйича декларацияларни тақдим этишнинг электрон тизимини ривожлантиришда замонавий ахборот технологияларини қўллаш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатда жисмоний шахсларнинг даромадларини декларация асосида солиққа тортиш тартиби кенг қўлланилиши фуқароларнинг коррупцияга мойиллигини назорат қилиш усуллари билан бири дейилса, хато бўлмайди.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Жаҳон тажрибасидан маълумки, аҳоли даромадининг йиллар давомида ортиб бориши билан бир қаторда бозорда истеъмол товарларининг нархи назорат қилиниши уларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари учун асосий омиллардан бири ҳисобланади. Жамиятда яшаётган ҳар бир шахс меҳнат қилиш ва шу қилинган меҳнати эвазига маълум даромад олиш ҳуқуқига эга.

Зеро, мамлакатимиз Президенти: “Самарали меҳнат учун зарур шарт-шароитлар, муносиб иш ҳақи, замонавий уй-жойлар, сифатли таълим ва тиббий ёрдам, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш учун кенг имкониятлар яратиш – буларнинг барчаси иқтисодий соҳадаги ислохотларимиз моҳияти ва мазмунини белгилаб берадиган муҳим омиллардир. Шу борада нафақат энг кам ойлик иш ҳақини, балки бюджет ташкилотларида ҳам, хўжалик юритувчи субъектларда ҳам ўртача иш ҳақи миқдорини, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини босқичма-босқич кўпайтириш эътиборимиз марказида бўлади [5]”, – дея таъкидлаб ўтди. Дарҳақиқат, муносиб турмуш даражасини таъминлаш ва ходимга ишлаган вақти учун муносиб ҳақ тўланиши лозим. Бундан ташқари иш вақтидан ташқарида бажариладиган ишлар, қўшимча ишлар учун ҳам рағбат ва моддий таъминот берилиши иш сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Декларация тушунчасининг мазмун-моҳиятига тўхталадиган бўлсак, декларация сўзи латинча “*declaratio*” сўзидан келиб чиққан ҳолда “маълум қиламан”, “эълон қиламан” маъноларини англатади [6].

Даромадлар декларацияси тушунчаси илмий манбаларда қуйидагича таърифланган.

Даромад декларацияси – молия ёки календарь йилида фуқаролар (жисмоний шахслар) томонидан солиққа тортиладиган жами даромадлари кўрсатилган ва давлат органларига тақдим этиладиган хабарнома. Жаҳондаги барча ривожланган мамлакатларда мулк декларацияси билан бир қаторда жорий қилинган [7].

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Солиқ қонунчилигига кўра жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация солиқ тўловчининг олинган йиллик даромади тўғрисидаги ёзма аризасидан иборат эканлиги эътироф этилган [8]. Жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияга тўланган даромадлар ва ушлаб қолинган солиқ суммалари тўғрисида Солиқ агентлигининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланган шаклдаги маълумотномаси илова қилинади.

Йиллик даромадни солиққа тортишнинг декларация усули ғарб давлатларининг аксариятида қўлланилиб, ижобий натижалар бераётганини таъкидлаш мумкин. Солиққа тортишнинг бундай усули ХХ асрнинг 20-йилларида АҚШ ва Европа давлатларида ўтказилган солиқ ислохотидан сўнг кенг қўлланила бошланган [9]. Иқтисодий тараққий топган давлатларнинг аксариятида аҳоли солиқ муассасаларига ўтган молия йили давомида олган ҳар бир даромад миқдори ва манбаи ҳақидаги маълумотни даромад олиш билан боғлиқ харажатларни ифодаловчи ҳужжатлар билан бирга топшириши талаб этилади. Яъни аҳоли ўзининг йиллик даромади ва уни олиш билан боғлиқ айрим харажатларни декларацияда акс эттиради. Тақдим қилинган декларация солиқ инспекторлари томонидан текшириб чиқилиб, қабул қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Аксарият ҳолларда солиқ субъектларига йил давомида тўлаган маблағларининг бир қисми давлат бюджетидан қайтариб берилади.

Жаҳон банки ва Гарвард университети олимлари декларацияларни фақатгина коррупцияга қарши органлар томонидан ички текшириш етарли эмаслигини, улар декларацияларни оммага эълон қилиш билан бирлаштирилиши кераклиги ҳақида ишончли далиллар келтирганлар. С.Дянков ва унинг ҳамкасблари томонидан “*Transparency International* нодавлат халқаро ташкилотининг коррупцияни англаш индекси эга бўлган 175 та мамлакат бўйича декларация тизимига оид эмпирик маълумотларни қийслаш асосида декларациянинг самарадорлигини таъминлаш учун унинг оммага ошкора бўлиши жуда муҳим аҳамиятга эга” деган хулосага келинган [10].

Хорижий давлатлар иқтисодчи олимлари томонидан жисмоний шахсларнинг даромадларини декларация асосида солиққа тортиш ва уни амалга ошириш механизми хусусида мунозарали илмий тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, Н.Ермасова ўзининг илмий изланишларида оилавий солиққа тортиш масаласини кўтариб чиқади ҳамда оила аъзолари таркибига қараб солиқ ставкаларини табақалаштириш ва оила даромадларини декларация асосида солиққа тортиш ижобий натижа кўрсатишини асослаб беради [11].

Ю.Б.Колобаева оилавий декларациялаш масаласи бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб бориб, “оилавий декларациялаш тизимига ўтиш ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг туб моҳиятига тўғри келиб, турмуш фаровонлигининг яхшиланишини таъминлайди” деган хулосага келади [12].

А.С.Галаятдинова оилавий даромадларни декларациялаш тизимига тўхталиб, консолидациялашган гуруҳ тушунчасини илгари суради. Бу гуруҳга оиладаги эр-хотин ва унинг фарзандларини ҳам киритиш мақсадга мувофиқлигини келтириб ўтади. Яъни оиланинг умумий даромадларини декларация асосида солиққа тортишда вояга етмаган фарзандларни ҳам инobatга олиш лозимлигини таъкидлайди [13].

О.Н.Савина ҳам оилавий даромадларни декларация асосида солиққа тортиш масаласига эътибор қаратади. Муаллиф “оила даромадлари умумлашган ҳолда қаралиши лозим, бирга топиб, биргаликда истеъмол қилиш зарур” деган ғояни илгари суради [14].

Юқорида келтирилган аксарият иқтисодчи олимлар даромадларни декларациялаш механизмини оилавий фаровонлигини таъминлаш ҳамда аҳоли сонининг барқарор ўсиш кўрсаткичини сақлаб қолиш мақсадида ўз давлати ички имкониятларини инobatга олган ҳолда фикр-мулоҳазаларини билдиришган. Фикримизча, мамлакатимизда оилавий ҳолатни ёки фарзандлар таркибини инobatга олиб, декларациялаш механизмини қўллаш ижобий натижа беради, деб айтолмаймиз. Лекин “оилавий фаровонликни таъминлаш мақсадида айрим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган харажатларни декларация асосида чегириш механизмини янада кенгайтириш ўзининг ижобий натижасини беради” деган фикрдамыз.

Бевосита жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишнинг муаммоларини тадқиқ этган А.А.Дизовнинг “Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар тизимини такомиллаштириш” мавзусидаги тадқиқот ишида давлат бюджети даромадлари шаклланишида жисмоний шахслардан олинадиган солиқларни ҳисоблаш механизми тадқиқ этилиб, мазкур солиқ-

нинг бюджет даромадлари шаклланишидаги салмоғини ошириш масалалари ўрганилган [15] бўлса, О.Абдурахмоновнинг “Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар тизими ва уни такомиллаштириш масалалари” мавзусидаги докторлик диссертациясида жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғи билан бирга бошқа солиқларни ҳисоблаш услубиётини такомиллаштириш ва қисман жисмоний шахслар даромадларини декларациялаш тизими тадқиқ этилган [16].


И.Юлдашевнинг “Жисмоний шахслар даромадини солиққа тортишда умумдекларациялаш тизимини жорий этиш масалалари” мавзусидаги номзодлик диссертациясида эса жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишда умумдекларациялаш тизимини республикамиз амалиётида жорий этиш билан боғлиқ муаммолар тадқиқ этилган [17]. М.Усмановнинг “Жисмоний шахсларнинг даромадларини декларация усулида солиққа тортишни такомиллаштириш” мавзусидаги номзодлик диссертациясида эса жисмоний шахслар даромадларини декларация усулида солиққа тортишнинг афзаллик жиҳатлари тадқиқ этилиб, даромад солиғининг аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга таъсири нуқтаи назаридан таҳлил қилинган [18].

М.С. Усманова томонидан олиб борилган изланишлар натижасида даромад солиғини қўллашда солиққа тортилмайдиган даромад миқдорини аниқ белгилаш ва амалиётга жорий қилиш, даромадларни декларациялашда жисмоний шахсларнинг ер ва мол-мулк солиқларини даромаддан чегириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, М.Усманова республикамизда жисмоний шахслар даромадларини умумдекларациялаш тизимига ўтишни босқичма-босқич амалга ошириш, декларация асосида чегирмаларни қўллашда миллий менталитетнинг инobatга олиниши юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирган [19].

Дарҳақиқат, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фуқароларнинг жами даромадларини декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва уни халқаро андозалар асосида такомиллаштириш давр талабига айланди.

Тадқиқот методологияси. Илмий тадқиқотни амалга оширишда қиёсий ва тизимли таҳлил усулларидан фойдаланилган. Адабиётларни таҳлил қилишда Web of Science илмий маълумотлар базасидан фойдаланилган. Мақолада жисмоний шахсларнинг даромадларига солиқ солишда декларация усулининг қўлланиши бу борада иқтисодчи олимларнинг тадқиқотлари ҳамда статистик маълумотларга таянилиб, тегишли хулосалар ишлаб чиқилган.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистон Республикаси амалдаги солиқ қонунчилигига асосан жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадлари декларация асосида солиқ солинадиган таркибига (1-расм).




1-расм. Жисмоний шахсларнинг декларация асосида солиқ солинадиган даромадлари таркиби [19]

Шу ўринда алоҳида эътибор қаратиш керакки, жисмоний шахсларнинг муаллифлик ҳақи тариқасида олинган даромадларига солиқ солиш ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ва улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи кўринишида даромадлар олувчи жисмоний шахслар бундай фаолиятни яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмаган ҳолда амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Илм-фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи олаётган солиқ тўловчи даромадлар олиш билан боғлиқ даромад ва харажатлар ҳисобини юритиши шарт ҳамда у ижодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган, ҳақиқатда сарфланган ва ҳужжатлар

билан тасдиқланган харажатларни даромаддан чегириш ҳуқуқига эга, лекин чегирма олинган жами даромад суммасининг 30 фоизидан кўп бўлмаслиги керак [20]. Мисол учун, жисмоний шахс муаллифлик ҳақи тариқасида 5 000 000 сўм даромад оладиган бўлса-да, ушбу даромадга эга бўлиш учун 2 000 000 сўм харажат қилган бўлса, даромадидан декларация асосида 1 500 000 сўм (5 000 000 x 30 %) гача чегириш ҳуқуқига эга. Демак, ушбу ҳолатда жисмоний шахс (муаллиф) 3 500 000 сўмдан 12 фоиз даромад солиғи тўлашига тўғри келади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда даромадларга эга бўлган жисмоний шахслар томонидан тақдим этилган декларациялар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда, бу қуйидаги расм маълумотларида ўз аксини топган (2-расм).



2-расм. Ўзбекистонда декларация тақдим этган жисмоний шахслар сони ҳамда декларация натижасида ҳисобланган даромад солиғи миқдори [21]

Юқоридаги 2-расм маълумотларига эътибор қаратсак, 2019 йил натижасига кўра солиқ органларига 576,0 минг нафар фуқаролардан даромадлари бўйича декларация олиниб, уларнинг сони 2010 йилдагига нисбатан деярли 5 баробарга, 2018 йилга нисбатан эса деярли 100,0 минг нафарга кўпайган.

Бундан ташқари Microsoft Excel амалий дастури ёрдамида параболик тренд чизиғи $y = 0,022x^2 - 55,737x + 27,403$ ва боғлиқликнинг аниқлилик даражаси $R^2 = 0,9388$ топилди. Боғлиқликнинг аниқлилик даражаси 93,88 % эканлигига қараганда кейинги йилларда ҳам декларация топширувчи жисмоний шахсларнинг сони шу суръатда ортишини кутишимиз мумкин.

Жисмоний шахслар томонидан йил давомида олинган даромадлари бўйича солиқ идораларига декларация топширувчи фуқаролар сони кўпайиши билан тўғри пропорционал равишда кўшимча ҳисобланган даромад солиғи миқдори ҳам кўпайиб бораётганини кўриш мумкин. Декларация асосида бюджетга ундирилиши назарда тутилган даромад солиғи суммаси 2010 йилда 10,6 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2019 йил натижасига кўра 219,2 миллиард сўмдан ортиқни ташкил этиб, 20,5 баробарга кўпайиш кўрсаткичига эга.

Йиллар ҳамда декларация бўйича бюджетга ундирилган солиқлар миқдорларининг боғлиқлигини ҳам Microsoft Excel амалий дастури-

нинг имкониятларидан фойдаланиб, параболик тренд чизиғи $y = 3,5511x^2 - 20,025x + 36,998$ ва боғлиқликнинг аниқлиги даражаси $R^2 = 0,9488$ топилди. Боғлиқликнинг аниқлиги даражаси 94,88 % эканлигига қараганда, келгуси йилларда ҳам декларация бўйича бюджетга ундирилган солиқлар миқдори ҳам шу суръатда ортишни кутишимиз мумкин.

Бугунги кунда республикада жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадлари таркибида мулкларни ижарага бериш натижасида олинган даромадлар муҳим ўринни эгаллайди ва декларация асосида солиққа тортилади. Шундай экан, ўзларига тегишли мулкларини ижарага бериш натижасида даромадлар олаётган жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш механизмига атрофлича тўхталамиз.

Республикада амалдаги қонунчиликка кўра жисмоний шахслар ўз мол-мулкларини ижарага беришлари қонуний тартибга солин-

ган. Бир вақтнинг ўзида мол-мулк ижараси мулкӣ даромад сифатида тан олиниб, солиқ қонунчилигига кўра декларацияланади.

Юқоридаги 1.3-бандига асосан мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар, албатта, даромадлари тўғрисида декларация тақдим этади. 2022 йил учун айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, жумладан, мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинган даромад солиғининг қатъий белгиланган суммалари қонун [22] билан белгиланди.

Жисмоний шахслар томонидан ўзларига тегишли мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларига солиқ солиш мақсадида ижара тўловининг энг кам ставкалари қўлланилади (1-жадвал).

1-жадвал

Мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари (сўмда) [22]

Объект номи	Йиллар	Тошкент шаҳри	Нукус ш. ва вилоят марказлари бўлган шаҳарлар	Бошқа аҳоли пунктлари
Турар жой (1 м² учун)	2014	3 000	2 000	1 000
	2021	14 000	8 500	4 000
	2022	15 500	9 500	4 000
Нотурар жой (1 м² учун)	2014	6 000	4 000	2 000
	2021	29 000	17 000	7 500
	2022	32 000	18 500	7 500
Енгил автомобиль (8 та ўриндиққача) (ҳар бир автомобилга)	2014		220 000	
	2021		575 000	
	2022		630 000	
Микроавтобус, автобус ва юк автомобиллари (ҳар бир автомобилга)	2014		430 000	
	2021		1 150 000	
	2022		1 250 000	

Юқоридаги 1-жадвал маълумотларига кўра, жисмоний шахсларнинг уй-жойи, нотурар объекти ва автотранспорт воситасини ижарага беришдан олган даромадларига солиқ солиш ижара шартномасида белгиланган ижара ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда, бироқ ушбу мол-мулкларни ижарага топширувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара ҳақининг энг кам ставкаларига асосан ҳисобланган миқдорлардан кам бўлмаган ҳолда амалга оширилади.

Шунга эътибор қаратиш жоизки, 2022 йил учун белгиланган миқдорлар 2022 йилдаги ставкаларга нисбатан ўртача 1,1 баробарга кўпайган. 2014 йилда белгиланган энг кам меъёрларга нисбатан эса ўртача турар ва нотурар жойлар ижарага берилиш ҳолати 5,0 баробарга, автомобилларни ижарага берилганда ҳам ижара тўловининг энг кам ставкалари йилдан-йилга кўпайтириб белгиланган.

Жорий йилдан белгиланган меъёрларни, албатта, ижобий деб баҳолаш мумкин. Мисол сифатида эътибор қиладиган бўлсак, Тошкент шаҳрида майдони 50 м² бўлган нотурар мулкнинг ижарага берилиши энг камида 1 600 000 (50 x 32 000) сўмга тўғри келмоқда, ваҳоланки, бугунги кунда амалда ушбу келтирилган меъёрдан бир неча баробар кўп суммага ижара берилиш ҳолатларини кузатиш мумкин.

Амалдаги қонунчиликка кўра 1-жадвал маълумотларига мувофиқ жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкларини ижарага беришнинг энг кам меъёрлари:

- Тошкент шаҳри;
- вилоят марказидаги шаҳарлар;
- бошқа аҳоли пунктлари учун ҳар хил қийматда белгиланган.

Бироқ бугунги кунда вилоят маркази бўлмаган шаҳарлар (Олмалиқ, Шаҳрисабз, Қўқон,

Марғилон, Хива, Каттақўрғон ва ҳ.к.)да турар жойни ижарага бериш 4 000 сўм ва нотурар мулкни ижарага бериш 7 500 сўм миқдорда белгиланган. Яъни туманнинг чекка худуди ҳамда вилоят маркази бўлмаган шаҳарларда ижарага беришнинг энг кам миқдорлари бир хил. Ушбу ҳолат бўйича адолатлиликни таъминлаш мақсадида таклиф ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда жисмоний шахсларнинг даромадларини декларация асосида солиққа тортиш механизмининг қўлланилиши борасида кўпгина ижобий ислохотлар амалга оширилишига қарамасдан, ушбу соҳани янада такомиллаштириш мақсадида тадқиқотлар олиб бориш, муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш лозим.

Хулоса ва таклифлар. Жисмоний шахсларнинг декларация асосида солиқ солинадиган даромадлари ва уларни солиққа тортишни такомиллаштириш бўйича қуйидаги хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди:

– жисмоний шахсларнинг декларацияланадиган даромадларига солиқ солишни такомиллаштириш жисмоний шахсларга нисбатан солиқ юкининг камайиши, аҳоли реал даромадларининг кўпайиши ҳамда солиқ маъмуриятчилигининг янада такомиллашишига хизмат қилади;

– шиддат билан ривожланаётган мамлакатимизда жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш бу борада декларация усулини қўллаш тартибини янада такомиллаштириш, яъни босқичма-босқич умумдекларациялаш тизимига ўтиш асосида солиққа тортиш механизмини бугунги кун талабларига мослаштириш жисмоний шахсларнинг даромадлари тўлиқ ва ўз вақтида солиққа тортилишини таъминлашга хизмат қилади;

– жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортишда декларациялаш амалиётининг қўлланилиши мамлакатда яширин иқтисодиёт, пул маблағларининг ноқонуний айланиши, коррупция ва порахўрликка ҳамда иқтисодиёт соҳасидаги бошқа жиноятларнинг вужудга келиши ва унинг олдини олишга хизмат қилади;

– бугунги кунда ёш авлодни тарбиялаш ишларига етарли даража эътибор қаратилиб келинмоқда, аммо болалар адабиётини яратишга қизиқиш камлиги билан бирга китобларнинг нархи ҳам қимматлигича қолмоқда. Шу боис Солиқ кодексининг 378-моддасига болалар адабиёти ва бадий адабиётларни тайёрлаганлик учун муаллифлик ҳақи кўринишида олинган да-

ромадларни даромад солиғидан тўлиқлигича озод қилиш тарзидаги имтиёзни қўллаш лозим. Бунинг натижасида китобхонларнинг китоб ўқишга қизиқиши ортади, китобни харид қилиш қобилияти кенгайди ҳамда сифатли китоб маҳсулотлари тайёрланишига эришилади;

– ривожланган хорижий давлатларнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда жисмоний шахсларнинг даромад ва харажатларини декларациялаш тизимига босқичма-босқич ўтишни жорий қилиш мақсадида, биринчи навбатда, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари раҳбар ва ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзоларининг даромад ва харажатларини декларациялаш тизимига ўтказиш ишларини жадаллаштириш мақсадга мувофиқ;

– хорижлик иқтисодчи олимлар таъкидлаганидек, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи фақат давлат бюджети даромадларини шакллантириш учун эмас, балки аҳолининг реал даромадларини оширишга ҳам хизмат қилиши лозим, бу мақсадда фуқаролар томонидан қилинган ижтимоий (таълим, соғлиқни сақлаш, суғурта, мажбурий тўловлар ва ҳ.к.) харажатлар солиққа тортилмаслиги керак;

– даромадларга декларация асосида солиқ солиш самарадорлигини ошириш ҳамда ҳисобланган солиқларнинг тўлиқ ҳамда ўз вақтида ундирилишини таъминлаш мақсадида солиқ мажбурияти тўғрисида маълумотлар тақдим этувчи ташкилотларнинг маълумотлар базаларини солиқ органларининг ахборот-ресурс базасига on-line тарзда интеграция қилиш, декларация натижасида солиқ солинадиган даромадлар суммасини тўлиқ аниқлаш ҳамда солиқнинг ўз вақтида ундирилишини таъминлашда ўз ижобий натижасини кўрсатади;

– бюджет даромадларига қўшимча манбаларни шакллантириш ҳамда солиққа тортишнинг адолатлилигини таъминлаш мақсадида мулкларни ижарага беришнинг энг кам меъёрларига алоҳида, бошқа шаҳарлар (вилоят маркази ҳисобланмаган) учун минимал миқдорларни, масалан, вилоят марказлари ва туманлар учун белгиланган миқдорнинг ўртачасини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги таклифлар ва тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши натижасида мамлакатимизда жисмоний шахсларнинг декларация натижасида солиқ солинадиган даромадлар манбаи ортиши ва уларни солиққа тортиш механизми янада такомиллаштирилишига эришиш мумкин.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони. // *Халқ сўзи*. 2022 йил 28 январь.

2. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. 126-б.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Интернет манба: «prezident.uz». 2020 йил 24 январь.
4. <https://www.irs.gov/newsroom/filing-season-statistics-for-week-ending-november-23-2018>, <https://www.bbc.com/news/business-40117521>, <https://www.make-it-in-germany.com/en/jobs/taxes/income/>, <https://www.statista.com/statistics/466835/number-income-taxpayers-france/>, http://pij-web.net/pdf/stj_eng/1.pdf.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 592 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Миллий энциклопедияси (Д ҳарфи). 243-бет.
7. Ўзбекистон Республикаси Миллий энциклопедияси (Д ҳарфи). 207-бет.
8. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 396-моддаси. – Т.: Адолат, 2021.
9. Жумаев Ш. “Ўзбекистон Республикасида солиқ ислохотларини такомиллаштириш муаммолари ва истиқболлари” мавзусида магистр даражасини олиш учун ёзилган магистрлик диссертацияси. 54-бет.
10. Djankov, Simeon [et al.]. Disclosure by Politicians. // *American Economic Journal: Applied Economics* 2. April 2010. Pp. 179-209.
11. Ермасова Е.Б. Неравенство в налогообложении доходов физических лиц для нерезидентов. Изв. Саратов. Ун-та. Нов.сер. Экономика. Управления. Право. 2014. Т. 14. Вып. 4.
12. Колобаева Ю.Б. Семейный налоговый декларации в налогообложении дохода физических лиц. // *Экономика и социум*. № 3 (34). 2017.
13. Галютдинова А.С. Семья как участник налоговых правоотношений. // *Налогообложение физических лиц*. № 6 (96). 2012.
14. Савина О.Н. Семейное налогообложение как инструмент усиления социализации налоговой политики на современном этапе. // *Социальная сфера*. № 19 (208). 2013. – С. 52-57.
15. Адизов А.Ж. “Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар тизимини такомиллаштириш” мавзусида и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати – Т.: ДЖҚА, 2004. 21-б.
16. Абдурахмонов О.Қ. “Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар тизими ва уни такомиллаштириш масалалари” мавзусида и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ДЖҚА, 2005. 21, 40-б.
17. Юлдашев И.С. Жисмоний шахслар даромадини солиққа тортишда умумдекларациялаш тизимини жорий этиш масалалари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2002. 22, 21-бетлар.
18. Усмонова М.С. Жисмоний шахсларнинг даромадларини декларация усулида солиққа тортишни такомиллаштириш. Дисс. автореферати. – Т.: БМА, 2011. 23, 19, 15-бетлар.
19. Бозоров А.А. Декларация асосида солиқ солинадиган даромадлар ва уларни солиққа тортишни такомиллаштириш. Монография. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия ҳарбий техника институтини. – Т., 2020. 51-б.
20. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-741-сонли қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (395-модда). Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т., 2022. – 473 б.
21. <http://www.soliq.uz> – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси расмий сайти.
22. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-742-сонли қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳар йилги бюджет параметрлари тўғрисидаги қарорлари.



МОЛ-МУЛК СОЛИҒИНИНГ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ДАРОМАДЛАРИДАГИ АҲАМИЯТИНИ ОШИРИШ

Мейлиев Обид Раҳматуллаевич -
Тошкент молия институти
тадқиқотчиси, доцент

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a27

Аннотация. Мақолада маҳаллий бюджетлар даромад базасининг шаклланиши, унда мол-мулк солиғининг аҳамияти ва илмий-амалий асослари ёритиб берилган. Мол-мулкларни самарали солиққа тортиш асосида маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлаш имкониятлари асосланган. Олиб борилган изланишлар асосида амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: кўчмас мулк, маҳаллий бюджет, маҳаллий бюджет даромадлари, мол-мулк, мол-мулк солиғи, маҳаллий ҳокимият органлари, маҳаллий солиқлар.

ПОВЫШЕНИЕ РОЛИ НАЛОГА НА ИМУЩЕСТВО В ДОХОДАХ МЕСТНЫХ БЮДЖЕТОВ

Мейлиев Обид Раҳматуллаевич -
Научный сотрудник Ташкентского
финансового института, доцент

Аннотация. В статье рассмотрено формирование доходной базы местных бюджетов, значение налога на имущество и его научно-практическая основа. Эффективное налогообложение имущества основано на способности обеспечить устойчивость доходов местных бюджетов. На основе исследования разработаны практические рекомендации.

Ключевые слова: недвижимость, местный бюджет, доходы местного бюджета, имущество, налог на имущество, органы местного самоуправления, местные налоги.